

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ  
НЕЙРОХИРУРГИЯ ВА ҲАРБИЙ-ДАЛА  
ХИРУРГИЯСИ КУРСИ

**КЎҚРАК ВА ҚОРИННИНГ  
ЖАНГОВОР ЖАРОҲАТЛАРИ**  
(ўқув - услугбий қўлланма)

**Тошкент - 2008**

## ТУЗУВЧИЛАР:



Тиббиёт фанлари доктори,  
профессор, Россия Федерацияси  
тиббий-техник фанлар  
академиясининг академиги,  
СамМИ нейрохирургия ва ҳарбий-  
дала хиургияси курсининг мудири  
**Абдурахмон Маматқулович  
Мамадалиев**



Тиббиёт фанлари доктори,  
Самарқанд вилоят соғлиқни  
сақлаш бошқармасининг бош  
нейрохирурги, СамМИ  
нейрохирургия ва ҳарбий-дала  
хиургияси курсининг доценти  
**Амирқул Шодиевич Шодиев**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ  
НЕЙРОХИРУРГИЯ ВА ҲАРБИЙ-ДАЛА  
ХИРУРГИЯСИ КУРСИ

«Келинилгай»

Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг  
Тиббий таълимнинг ривожлантириш  
Марказининг директори доцент  
Т.С.Сайдов

« 16 » 06.06.2008 й.

«Тасдиклайман»

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг  
Фан ва укув ўртлари бошкармаси  
бомандиши Ш.Э.Атаханов

2008 й.

**КЎКРАК ВА ҚОРИННИНГ  
ЖАНГОВОР ЖАРОҲАТЛАРИ**

(талабалар, клиник ординаторлар ва  
нейрохирурглар учун мўлжалланган ўқув-  
услубий қўлланма)

Тошкент - 2008

Ўқув-услубий қўлланма медицина институтларининг талабалари, клиник ординатор ва амалиётда фаолият кўрсатаётган врачлар учун мўлжалланган.

## **ТУЗУВЧИЛАР:**

**Мамадалиев А.М.** – СамМИ нейрохирургия ва ҳарбий-дала хиургияси курси мудири, т.ф.д., профессор.

**Шодиев А.Ш.** - курс доценти, т.ф.д.

## **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Алимов Р.А.** – Республика солик қўмитаси даволаш-соғломлаштириш тиббий марказининг бош врачи, т.ф.д., профессор;

**Абдуллаев С.А.** - СамМИ педиатрия факультети хиургия кафедрасининг мудири, т.ф.д., профессор.

# **КЎҚРАК ВА ҚОРИННИНГ ЖАНГОВОР ЖАРОҲАТЛАРИ**

**Машғулотнинг мақсади:** Медицина институтининг талабалари, клиник ординатор ва амалиётда фаолият кўрсатаётган врачларга кўқрак ва қориннинг жанговор жароҳатлари классификацияси, клиник манзараси, диагноз қўйиш, даволаш усуллари ва тиббий эвакуация босқичларида ёрдам кўрсатиш принциплари тўғрисидаги маълумотларни ўргатиш.

## **МАШҒУЛОТНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ**

1. Эрталабки клиник кенгашда қатнашиш, курс мудириннинг клиникадаги bemorларни умумий кўриқдан ўтказишида иштирок этиш ва амалий кўникмаларни ўрганиш	25'
2. Мавзу бўйича талабаларнинг билимини оғзаки савол-жавоб усулида баҳолаш	20'
3. Танаффус	5'
4. Жароҳат боғламаларини алмаштириш, диагностик ва даволаш манипуляцияларида ҳамда операциялarda қатнашиш, амалий кўник- маларни ўрганиш	45'
5. Танаффус	10'
6. Маъруза (I соат)	45'
7. Танаффус	5'
8. Маъруза (II соат)	45'
9. Катта танаффус	40'
10. Мавзу бўйича талабаларнинг билимини тест, OSCE ва интерактив усуллар билан баҳолаш	

замонавий қўшимча текшириш (КТ, МРТ, АГ, ЭхоЭГ) усулларини ўрганиш учун муҳокама қилиш	45'
11. Танаффус	5'
10. Беморларни қурация қилиш замонавий қўшимча текшириш (касаллик тарихи, реферат, КТ, МРТ, АГ, ЭхоЭГ) усулларини ўқитувчи раҳбарлигига муҳокама қилиш ва ўрганиш	45'
12. Танаффус	5'
11. Машғулот давомида пайдо бўлган саволларга жавоб бериш, машғулотга якун ясаш. Уйга вазифа топшириш ва янги мавзуни қисқача муҳокама қилиш.	20'

Кўкрак ва қориннинг уруш вақтида кузатиладиган жароҳатлари ҳарбий-дала хирургиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, жанговор шароитда ушбу тоифага мансуб bemорларга тўғри диагноз қўйиш, жанг майдони ва тиббий эвакуация босқичларида уларга тегишли амалий ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади. Медицина институтларининг талабалари ҳар хил даражадаги кўкрак ва қорин жароҳатлари содир бўлган аскар ва зобитларга етарли даражада тиббий ёрдам беришлари учун уларнинг классификациясини, клиник кўринишини, диагноз қўйиш йўл-йўриқларини мукаммал даражада ўзлаштирган бўлишлари шарт.

Кўкрак жароҳатлари тасниф жиҳатидан очиқ ва ёпиқ жароҳатланишларга бўлинади. Кўкракнинг тешиб ўтмайдиган жароҳатлари 1941-45 йиллардаги

уруш давридаги ўқ теккан жароҳатларнинг 57,5%ни ташкил этган.

Кўкрак қафаси шикастланишларида энг кўп учрайдиган ҳолат бу пневмоторакслардир. Пневмоторакслар очик, ёпиқ ва клапанли бўлади.

#### *Клапанли пневмоторакслар клиникаси*

Ўпка тўқимаси шикастланиши ва бронх жароҳатларида нафас олганда ҳаво плевра бўшлиғига киради. Нафас чиқарганда жароҳат плеврадаги босим ошганлиги туфайли ёпилади. 1941-45 йиллардаги уруш даврида бундай клапанли пневмоторакс жароҳатлари 1,2% ни ташкил қилган.

Гемоторакс-бу плевра ва ўпкалар оралиғида қон тўпланиб қолишидир. Гемоторакслар ҳажмига қараб 3 хил бўлади: кичик, ўрта ва катта гемоторакслар.

Юрак жароҳатлари ҳам юрак бўшлиғига ўтадиган ва ўтмайдиган турларга бўлиниб, тешилган, қўр ва тешиб ўтган хиллари кузатилади.

Кўкракнинг ёпиқ жароҳатлари Кўкрак қафасининг асоратли шикастланишларида травматик асфиксия ҳолати юзага келиб кўкракнинг юқори қисмлари, бўйин, юз соҳаларида цианоз кузатилади, петехиал қон қўйилишлар, веноз босимининг ошиб кетиши туфайли бош мия тўқимасида нуқтали қон қўйилишлар аниқланади.

Кўкрак шикастланишларининг қуйидаги йирингли асоратлари кузатилади.

1. Плевра эмфиземаси.
2. Ўпка гангренаси ва абсцесси.
3. Тикиш мумкин бўлмаган йирингли оқмалар.

Эвакуция боскичида ёрдам кўрсатиш.

1. Жанг майдонида ўз-ўзига ва бир-бирига ёрдам.
2. БТП да врачгача ёрдам (асептик боғлам).
3. ПТП да боғламни тўғрилаш, қон кетишни тўхтатиш, анальгетиклар, антибиотиклар юбориш.

Тешиб кирувчи жароҳатларда ёрдам кўрсатиш қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Биринчи ёрдам-асептик окклюзион боғлам, анальгетик, юрак воситалари.
2. ПТП да клапанли пневмотораксда 2 чи қовурға оралиғидан пункция қилиш, оғриқсизлантириш, нафасни яхшиловчи дорилар, анальгетиклар, юрак воситалари, антибиотиклар.
3. АТП да ташқи қон кетишлар тўхтатилади, жароҳатга ишлов берилиб, хирургик операция ўтказилади.

*Қориннинг ўқ отувчи қуроллардан жароҳатланиши таснифи ва учраши*

Улуғ ватан уруши даврида ўқ отувчи қуроллардан жароҳатланиш 1,9-3% ҳолларда учраган. Ҳамма жароҳатланганларга нисбатан маълумотларга кўра тешиб ўтувчи жароҳатлар 6% ни ташкил қиласди. Қорин парданинг яхлитлиги сақланиб қолишиниши назарда тутилиб, қоринни тешиб ўтувчи ва тешиб ўтмайдиган жароҳатлари фарқланади. Тешиб ўтувчи жароҳатлар-75%, тешиб ўтмайдиганлари-25% ни ташкил этади. Хусусиятига кўра тешиб ўтувчи, кўр, тегиб ўтувчи жароҳатлар фарқланади.

*Тешиб ўтмайдиган жароҳатлар* Қорин девори шикастланиши билан бирга ички аъзолар ҳам жароҳатланиши мумкин. Агар қорин парданинг ўзи

шикастланса, у ҳолда беморнинг ахволи қониқарли бўлиб, тили тоза, қорин девори нафас олишда иштирок этади, Щеткин-Блюмберг симптоми манфий, сийиш ва газ чиқиши бузилмаган бўлиб, маҳаллий жароҳат соҳасида шишиб қолиш, мушаклар таранглиги, оғриқ кузатилади.

Агар йўғон ичакнинг қорин парда орқа қисмлари шикастланса, у ҳолда диагностика шок ва қон йўқотиши ҳисобига қийинлашади. Шуни назарда тутиш керакки, секинлик билан кучайиб борувчи қориндаги оғриқлар қорин девори таранглигининг ортиши, нажас чиқишининг бузилиши, тил қуруқлиги, буйрак шикастланганда эса микро ёки макрогематурия, ичак шикастланганлигидан, ҳамда паренхиматоз органлар травмасидан дарак беради. Йўғон ичакнинг қорин парда орқа қисмининг шикастланиши кечки даврида нажасли флегмонага, агар илдиз тутқичи ёрилса, қорин парда орти соҳасидаги гематомани йиринглаши кузатилиб, йирингли перитонит ривожланишига олиб келади.

Тешиб ўтувчи жароҳатлар айрим ҳолларда ички аъзолар жароҳатисиз бўлиши ва баъзан бундан кўра мураккаброқ жароҳатлар кўринишида бўлиши мумкин. Умуртқа поғонаси билан бирга жароҳатдан сўнг дастлабки биринчи соатларда жароҳатланганларнинг 72% да травматик шок кузатилади. Улар ички аъзоларнинг ҳам шикастланишидан дарак беради.

Қорин жароҳатларидағи асорат-қон кетиш бўлиб, қон кетиш ярадорларда шокнинг кечишини оғирлаштиради.

Улуг ватан уриши даврида ўқ отувчи қуроллари жароҳатланиши: 1,9-3% учраган. Ҳамма жароҳатланганларга нисбатан (С.С.Григолав, Богорова) маълумотига кўра (1965), тешиб ўтувчи жароҳатлар 6% ни ташкил қилади. Паритал қорин пардани яхлитлигини сақлаб қолиш назарда тутилган. Қоринни тешиб ўтувчи ва тешиб ўтмайдиган жароҳатлари фарқланади. Тешиб ўтувчи – 75%, тешиб ўтмайдиган – 25%. Хусусиятига кўра тешиб ўтувчи, кўр, тегиб ўтувчи турлари фарқланади.

*Перитонит* турли қорин жароҳатларида турлича намоён бўлади. Унинг оғир кечиши жароҳатланган ичак ўлчамига боғлиқ, жигар, ошқозон, ўт пуфаги ва улар сақланмаларининг қорин бўшлиғига тушишига боғлиқ. Ичак ва паренхиматоз аъзоларининг бирлашган жароҳатларида, тарқаган перитонит қорин бўшлиғидаги қонда микроблар флорасининг яшин тезликга кўпайиши билан бирга кечади.

Қориннинг тешиб ўтувчи жароҳатларида унинг симптоматикаси ички аъзоларининг абсолют ва нисбий жароҳатланиш белгилари йиғиндисидан иборат. Бу симптомлар ичida мутлоқ ва нисбий белгилар тафовут этилади:

1. Мутлоқ симптомлар: жароҳатдан чарвининг, ичак сақламаларининг, ўт, сийдик, ичак қовузликларининг чиқиши;
2. Нисбий, дастлабки симптомлар: қоринда оғриқ, чанқаш, пульс тезлашиши, тилнинг қуруқлашуви кузатилиши мумкин. Бундан ташқари кўкрак типидаги нафас – қорин таранглашган, нафас олишида қатнашмаслиги кузатилади. Тарқоқ оғриқ,

Щеткин-Блюмберг симптоми мусбат, пересталтика йўқолиши, жигар бўшлигининг аниқланмаслиги қайд этилади, Кортнели маҳаллий бўғиқланиш симптоми кузатилади.

3. Кечки даврда (4-6 соат ва ундан сўнг) ҳам *перитонит* симптомлари аниқланади: юзнинг ўткирлаши, қуруқ тил, ҳиқичноқ, чанқаш ва қусиш, интоксикация тезлашган, пульс нимжон, қорин шишган ва палпациясига ўткир оғриқ, Щеткин-Блюмберг симптоми мусбат, пересталтика аниқланмаслиги ва тана ҳароратининг ошиши кузатилиши мумкин.

Буйрак ва сийдик йўллари жароҳатида эрта белгилардан гематурия кузатилади, лекин у ҳар доим аниқланмайди. Сийдик йўли тўлиқ эзилган ҳолларда (гематурия) кузатилмайди ва диагностикаси қийин бўлмайди. Жароҳатдан сўнг анурия шифокорни чуқур ўйлашга мажбур этади. Қорин парда ортидаги йирик гемотомаларда нормада кузатилмайдиган бўғиқли товуш, киндик атрофидаги оғриқ, кечроқ эса сийдик йўли жароҳати ва сийдик қинининг қорин парда орти йиртилиши – сийдикнинг оқиши йўли аниқланиши мумкин.

Шубҳали ҳолатларда, беморнинг ахволи нисбатан қониқарли бўлса, меъёрий бўлмаган вазиятларда, номаълум симптомлар мавжуд бўлганда қорин бўшлигини тешиб ўтувчи жароҳатига шубҳа туғилади ва кейинчалик 2-3 соат давомида симптомлар диагностикаси четдан назорат қилиб борилади. Агар ярадорда хавотирли симптомлар кузатилса, жароҳат қорин бўшлиғига кирганлиги

түғрисида ишонч бўлмаса, бу ҳолда диагностик лапаротомия қилинади. Эвакуация этапларида ёрдам кўрсатиш, биринчи ёрдам – жароҳатга стерил боғлам қўйилади, аналгетиклар қилиниб ярадор тезроқ эвакуация қилинади.

ПТПда биринчи врачлик ёрдами боғламларни тўғрилаш, аналгетиклар, қоқшолга қарши анатоксин юбориш, ҳаёт учун хавфли қон кетишида индивидуал ва биологик синамалар ўтказилгандан кейин вена ичига айнан шу гурухга ва резус омили тўғри келадиган қон қўйилади. Талваса ҳолатларида ярадорланган жангчилар ПТПда қолдирилади. Қолганлар тезкорлик билан кейинги тиббий босқичга эвакуация қилинади. Йилнинг совуқ ойларида яралангандарни химиявий иситгич ва кийим билан иситилади, ички ухлаш хонасига жойлаштирилади.

Малакали хирургик ёрдам бериш босқичида саралашдан бошланиб барча жароҳатланганлар қўйидаги 4 та гурухга ажратилади:

1-гурух. Ички қон кетиши белгилари бўлган беморлар операция бўлимига юборилади, уларга зудлик билан жарроҳлик муолажалари ўтказилади.

2-гурух. Қон кетиши аломатлари бўлмаган 2-3 даражали шок ҳолатида бўлган беморлар шокка қарши курашиш бўлимига юборилади.

3-гурух. Талваса ҳолатидагилар госпитал палаталарига ётқизилади.

4-гурух. Қолган барча қорин бўшлигининг кирувчи жароҳатини олганлар 1-навбатда операция бўлимига юборилади.

Шундай қилиб, тезкор жарроҳлик муолажаси қорин бўшлигининг тешиб кирувчи жароҳатлари олганларга амалий ёрдам кўрсатишни, ички қон кетиш белгилари бўлган bemorlarни кечиктирмасдан операция қилишни ўз ичига олади. Бу касалларга аҳволининг оғирлик даражасидан қатъий назар, операция муолажалари, қон, полиглюкин қуиши билан биргаликда олиб борилади. Шокнинг III-IV даражасидаги (ички қон кетиши белгиларисиз) бўлган bemorларга 1-2 соат давомида шокка қарши даво ўтказилгандан сўнг, операция қилинади. Агар шу вақтда артериал босим критик даражада кўтарилиб, у ҳолда операция самарали бўлмайди. Агар махсус ёрдам босқичига кўп сонли яралангандар келиб тушса, у ҳолда ички қон кетиш белгилари бўлмаган жароҳатланганларни алоҳида гурухга ажратиш лозим.

Операцияга тайёр bemor аҳволи қониқарли бўлганида премедикация ва вена ичига натрий хлорнинг изотоник эритмаси уланиб қўйилади.

Буйрак операциясида Федоров бўйича кесма ўтказилади, керак бўлганда сийдик йўлини очиш мақсадида кесма давом эттирилади. Кириш ва чиқиш тешиги катта бўлганда махсус ўлчам олиниб, кейин қориндан тешик ўрнатилади. Қорин бўшлиғида қон бўлса уни аспирация қилиб, қон келиш манбаси аниқланади ва гемостаз ўтказилади. Қориндаги барча аъзолар бутунлигини аниқлашда визуал тўлиқ назорат ўтказилади. Йўғон ичак жароҳати борлигини инкор қилиш учун унинг деворидаги субсероз гематома очилади. Жароҳатга чиққан ичак қовузлоплари стерил физиологик эритма билан ювилади ва қорин

бўшлиғига тўғриланади. Шуни эсда тутмоқ лозимки, қорин жароҳати бўлган ҳолларда ярадорнинг аъзоларини резекция ва экстерпация қилиш оғир кечади. Шунинг учун, ошқозон-ичак деворидаги якка тешиклар 2 қатор чок билан тикилади. Фақат кўплаб жароҳатлар бўлганида ва қовузлоқ узилганда ингичка ичак резекцияси ўтказилади, 12 бармоқли ичак орқа девори шикастланганида иммобилизация мақсадида қорин пардани уловчи бурмаси кесилади, ичак тикилади ва жароҳат соҳасига тампон қўйилади. Агар чокдан кейин ичак герметиклиги тикланмаса айланиб ўтувчи анастомоз қўйилади.

Йўғон ичак деворидаги жароҳатлар 3 қаторли чоклар билан тикилади. Агар йўғон ичак деворидаги дефект катта бўлса, ичак қовузлогини операцион жароҳат орқали чиқариш ёки қўшимча кесма билан уни қорин пардага чоклар қўйиб фиксация қилиш керак. Йўғон ичак қорин парда орти юзасидаги жароҳатларда чок қўйилгандан кейин бел соҳасидаги кесма орқали дренажланади. Йўғон ичак трактини озиқлантирувчи томирлар жароҳатланганида ягона кесма орқали табиий бўлмаган орқа чиқарув тешиги ҳосил қилинади.

Тўғри ичак қорин парда орти жароҳатида чаноқ илиоректал бўшлиғи кенг очилади. Тўғри ичак жароҳати имкони борича тикилади. Илиоректал бўшлиғига тампон қўйилади, ичакка эса сунъий орқа чиқарув тешиги қўйилади. Агар бир вақтнинг ўзида тўғри ичак ва сийдик пуфаги шикастланган бўлса, даставвал қорин бўшлиғи очилади, ревизия ўтказилиб, сийдик пуфагидаги жароҳатлар тикилади. Кейин

сунъий орқа чиқарув тешиги қўйилади. Шундан сўнг бошқа жароҳатларга ишлов берилади.

Талоқ шикастланишида спленэктомия ўтказилади. Жигар қирғоқли жароҳатида, жароҳат кесилиб, чарвини оёқчада тикиш йўли билан йўғон тугунли чоклар қўйилади. Тешиб ўтувчи жароҳатлар детритдан тозаланади. Ошқозон ости бези жароҳати соҳасига ингичка резина пастга келтириб тикилади. Агар жароҳатни тикиш имконияти бўлмаса унда шу соҳага дренаж ва тампон қўйилади. Барча муолажалар бажарилгандан сўнг қорин бўшлиғидаги қон ва ошқозон-ичак чиқиндилари тозаланиши керак, антибиотик юбориш учун 2-3 та ингичга пластмасса ёки резинка найча қўйилади, у орқали қорин жароҳати тикилиши биланоқ антибиотикнинг биринчи дозаси эритмада юборилади. Терига провизор чоклар қўйилади.

### *Қориннинг ёпиқ шикастланишлари*

Иккинчи Жаҳон уруши маълумотларига кўра барча жароҳатлар ичида қориннинг ёпиқ шикастланишлари 3,8% ни ташкил қиласди. Душман томонидан ялпи йўқотиш қуроллари қўлланилганида шикастланишлар сони маълум даражада ошади.

Шикастланишларни чақирган сабабга кўра ёпиқ қорин жароҳатларининг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Изоляцияланган;
2. Қорин деворининг шикастланиши;
3. Қорин бўшлиғи аъзолари ва қорин парда ости аъзоларининг шикастланиши.

Оғир жароҳатланишлардаги етакчи асосий симптомлар қон кетиши ва шокдир. Малакали тиббий ёрдам кўрсатишда ички аъзолар ёпиқ шикастланиши ва ички қон кетиши диагнози қўйилганда шошилинч оператив даво чораси кўрилади.

Қорин аъзолари операциясидан сўнг бемор 10-12 кун мобайнида автомобиль транспортида ва 4-5 кун вертолётда эвакуацияга транспортабел хисобланади.

Қорин бўшлиғи тампонадаси қуидаги вазиятларда амалга оширилади:

- 1) Йириングли перитонитларда;
- 2) Жигар ва ўт пуфаги жароҳатида;
- 3) Қорин бўшлигининг катта миқдордаги ичак сақламаси билан ифлосланишларида;
- 4) Қовуқ аъзоларга қўйилган чокларнинг герметиклигига ишонч бўлмаганида;
- 5) Ўтказилган гемостаз тўлиқлигига ишонч бўлмаганида.

Қорин жароҳатларида энг хавфли асоратлар тарқалган йириングли перитонит, ичаклараро ва диафрагма ости абсцесслари, чаноқдаги йириングли чандиқли ичак тутилиши, ичак эвентерацияси, пневмония, перитонит хисобланиб уларнинг профилактикаси ва даволаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қорин бўшлиғи ва мушак орасига антибиотиклар юбориш, натрий хлориднинг 0,9% ли эритмаси, 5% ли глюкоза эритмасини 2-3 литргача венага, 3%ли натрий хлорид эритмасини 250-300 мл юбориш, венага 500-600 мл плазма, 750-1000 мл дан альбумин, протеин, аминопептид, аминокровин

юбориш, ошқозонга киритилган ингичка ичак орқали ошқозон сақламасини аспирация қилиш, юрак ишини яхшиловчи воситалар, димедрол, анальгетиклар юбориш лозим.

Ички аъзолари шикастланганлар операциядан кейинги даврда қуидаги парҳезга риоя қилишлари лозим:

1-сутка - очлик.

2-сутка - суткасига бўлиб-бўлиб ичиш учун 3 стакан сув ва сут.

3-сутка - бульон, кисел, 2 та эзилган тухум, 25 г сариёф.

4-сутка - қўшимча шўрва, гўштли пьюре, каша, мевалар.

5-7-суткалардан бошлиб юқорида кўрсатилганларга қўшимча тарзда оқ сухари ва 50 г сариёф қўшилади.

Жароҳатланганларга ва нур касаллигига иложи борича эрта операция ўтказилиши лозим. Қорин шикастланганда ва жароҳат радиоактив модда билан заарланганда операциягача қисман санитар ишлови ўтказилади.

Махсус ёрдам босқичида жароҳатланганларни даволаш давом эттирилади, кечки асоратлар билан курашиш ва уларнинг олдини олиш лозим.

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. Беркутов А.Н. Учебник военно-полевой хирургии. М.,1973
2. Брюсов П.Г., Нечаев Э.А. Военно-полевая хирургия. – М., 1996, 414 с.
3. Вишневский А.В. Военно-полевая хирургия. Учебник М., 1968
4. Вейль М.Г. Диагностика и лечение шока. М., 1971
5. Вагнер Е.А. Хирургия повреждений груди-М.,1981
6. Вагнер Е.А. с соавт. Инфузионно-трансфузионная терапия острой кровопотери. М., 1986
7. Лисицын К.М. Военно-полевая хирургия: учебник. М., 1982
8. Неговский В.А. Основы реаниматологии. М.,1980
9. Опыт советской медицины в Великой Отечественной войне. М., 1953
10. Трубников В.Ф. Военно-полевая хирургия. Учебник. Харьков, 1990
11. Ткаченко З. Военная травматология и ортопедия. Л.,1985
12. Шапошников Ю.Г. Диагностика и лечение ранений- М., 1982
13. Шапошников Ю.Г.Повреждение живота –М.,1986